# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 28 март. Жума № 25 (5.798). Сотувда эркин нарҳда


*Чигитни плёнка остига экиш кенг қулоч ёймоқда*





## АНДИЖОН УСУЛИДА

Сўнгги йилларда андижонлик пахтакорлар кенг кўламда қўллай бошлаган чигитни плёнка остига экиш тажрибаси эртапишар пахта ҳосилини етиштиришда муҳим омил сифатида мамлакатимиз деҳқонлари эътиборини ўзига тортди. Пискент тумани пахтакорлари ўтган йили куздаёқ андижонлик ҳамкасбларининг тажрибасига катта қизиқиш билан қараган эдилар. Шу мақсадда туман қишлоқ хўжалик ходимларидан иборат бир гуруҳ мутахассислар Андижон вилоятида бўлиб, пахтачиликдаги янги тажриба билан муфассал танишиб, уни қўллаш йўлларини ўрганиб қайтдилар. Янги усулни амалга ошириш учун туманга 25 та махсус сеялка ва етарли миқдорда плёнка келтирилди.

Аҳмад Дўстбеков номли жамоа хўжалигида андижонлик мутахассислар иштирокида икки марта ўқув-тажриба машғулотлари бўлиб ўтди. Янги усул бўйича етарлича билим ва малака ҳосил қилган деҳқонлар куни кеча вилоятда биринчи бўлиб чигитни плёнка остига экишни бошлаб юбордилар. Биз тумандаги «Туркистон» жамоа хўжалиги далаларида бўлиб, экиш жараёни билан танишдик. Эрта тонгданоқ далага олиб чиқилган мослаштирилган сеялкаларда нуроний отахонларнинг оқ фотиҳаси билан ерга илк бор барака уруғи қадашга киришди. Жамоа деҳқонлари бу йил 684 гектар майдонда ҳосил етиштиришни режалаштирганлар. Шундан 60 гектарига плёнка остига чигит қадаш мўлжалланган.

— Янги усул бўйича тўртта бригадамизда плёнка остига чигит экилмоқда, — дейди жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Мамасаид Эсонов. — Бу майдонларни алоҳида назоратга оламиз. Парваришлаш ва суғориш ишларига энг малакали деҳқонлар жалб этилади. Чунки янгиликдан катта натижа кутяпмиз. Мақсадимиз 50 центнердан ҳосил олиш.

Ҳозир жамоанинг Ҳаким Қораев, Ғани Шоимов, Бекмурол Норбўтаев ва Ҳайдар Усмоновлар бошчилик қилаётган бригадаларида плёнка остига чигит экиш қизғин бормоқда. Бу борада сеялкаларнинг равон ишлашини таъминлаётган жамоа бош муҳандиси Наби Усмоновнинг хизмати катта.

Туманнинг А. Дўстбеков, Ислиддин Ҳайдаров номли ва «Пискент» жамоа хўжаликлари далаларида ҳам плёнка остига чигит экиш қизғин бормоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

* * *

**СУРАТЛАРДА: 1. Х. Қораев бошлиқ бригада ерларида чигит плёнка остига экилаётган пайт. 2. Моҳир механизатор Б. Тўрақулов. Унинг техникани усталик билан бошқариши туфайли уруғлик плёнка остига бир меъёрда экилмоқда.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

— Бу галги учрашув МДҲга асос солинганига беш йил тўлиши муносабати билан ўтяпти, — деди Президент журналистларга берган интервьюсида. — Унда ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёни, қўшни Тожикистон ҳамда Кавказортидаги вазият, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский бор эди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сон қарори 5- бандига мувофиқ ҳамда вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг ва бозор инфраструктураси институтларининг республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида:

1. Кичик ва хусусий тадбирколикни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат бошқаруви идоралари ҳамда бозор инфраструктураси фаолиятини мувофиқлаштириш;

— кичик, ўрта ва хусусий бизнесни рағбатлантиришга доир амалдаги қонунчилик ва норматив актларини, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, танлаб олиш, молиялаш ва амалга ошириш механизмини тадбиркорлар кенг доираси ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали фаол тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

— бизнес-режаларни ишлаб чиқишда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, шу мақсадда ҳокимликлар, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Ўзинвестлойиҳа», «Ўзагросуғурта» компаниялари, тижорат банклари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар иштирокида махсус семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

— инвестиция лойиҳалари ҳамда таклифлари мониторинги ва уларни танлов асосида танлаб олиш механизмини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

— танловдан ўтган инвестиция лойиҳалари ва таклифларини молиялаш механизмини ишлаб чиқиш, кредит беришга оид муаммоли масалаларни ечиш, бунда сансалорлик, бюрократлик фактлари ва салбий холатларни бартараф этиш устидан қаттиқ назоратни таъминлаш;

— молиялаш учун қабул қилинган инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олишнинг амалий тизимини вужудга келтириш, уларнинг рўёбга чиқарилишини, ажратилган кредит маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини мунтазам суратда таҳлил қилиб бориш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шу йилнинг 1 апрелига қадар тадбиркорлар томонидан таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш бўйича махсус ишчи комиссияларини тузсинлар. Ана шу комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш бир ҳафта муддатда ҳудудий комиссиялар билан бирга кичик, ўрта ва хусусий бизнес вакилларининг кенг доирасини жалб этган ҳолда лойиҳа ғояларини амалга ошириш имкониятлари ҳамда аниқ инвестиция лойиҳалари ва таклифлари бўйича бизнес-режаларни ишлаб чиқишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида семинарлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги фармони билан кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб этиладиган хорижий кредит линиялари рўйхати тасдиқланганлиги;

— ана шу фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралдаги 67-сон қарори қабул қилиниб, унда лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда хорижий кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш тартиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Лойиҳаларни танлаб олиш ва кредитлар беришга оид мазкур тартибни амал қилиши молиялаш манбаларидан қатъий назар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган инвестиция таклифлари ва лойиҳаларига нисбатан жорий этилсин.

5. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир, кенгаш раиси У. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 март

## ҲОСИЛДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Риштон туманидаги Салоҳиддин Ражабов номли жамоа хўжалигининг тажрибакор деҳқони Нўъмонжон Тўйчиев бошлиқ бригада жамоаси ўтган йили 50 гектар майдонга пушта устига чигит экиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил олди. Оддий усулга нисбатан пуштага чигит экилган майдонларда тупроқ намлиги ортиқ бўлди, ғўза вегетацияси даврида сув уч марта кам берилди. Чопиқ тўрт марта, культивация 6 марта оз ўтказилди. Экиш даврида чизеллаш, молалаш жараёнлари бўлмади. Шу тариқа харажат ҳар бир гектар ер ҳисобига 4000 сўмдан тежалди. Бригада аъзолари пахта, дон ва сабзавот етиштириб 1996 йили 2 миллион 600 минг сўм даромад қилди.

Инсон манфаатлари йилида бригада жамоаси 40 гектар ерга пушта устига, 10 гектар майдонга Андижон усулида плёнка остига чигит экишни, гектаридан 42 центнердан пахта олишни режалаштирган. Айни пайтда 16 гектар майдонда буғдой, 2 гектарда картошка, 2 гектарда озуқабоп экинлар парвариш қилинмоқда.

Уста деҳқон Нўъмонжон Тўйчиев бригадасида Фарғона вилоятида биринчи бўлиб плёнка остига «С-6524» уруғлик чигит экилди. Механизаторлар Қодирали Исоқов, Шахобиддин Мамадихонов, Мирзааҳмад Жакбаровлар экиш техникасини намойиш этдилар.

Бу ерда баҳорги чигит экиш мавсумини тез ва соз ўтказишга бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинарда вилоят, туманлар, Фарғона ва Қувасой шаҳарлари ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, «Агромашсервис», «Агрокимёташминот» бирлашмалари раислари, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқот марказлари раҳбарлари, пахта заводлари, хўжаликлар, ширкатлар уюшмаларининг етакчилари иштирок этдилар. Вилоят ҳокими Нўъмонжон Мўминов йиғилишни бошқарди.

Мутахассислар уруғлик чигитни экиш олдидан илдиз қурти ва чириш касаллигидан асровчи фунен препарати билан дорилаш, заракунандаларга қарши кураш усулларини кўрсатдилар. Экиш олдидан ва ғўзага ишлов бериш даврида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлардан фойдаланиш меъёрини ўргандилар. Минерал ва маҳаллий ўғитларнинг 60 фоизини экиш билан бирга солиш, вегетация даврида ўғитлашни 1 июлдан кечиктирмаслик тавсия қилинди.

*Тармоқ таҳлили*

Шундан сўнг ерни экишга тайёрлашда қўлланадиган техника воситалари, Андижон усулида плёнка остига чигит экадиган янги сеялкаларни созлаш, барабанларни мослаштириш, якка қаторлаб экилганда чигит тушган уяларга майин тупроқ солиш технологияси кўрсатилди, янги сеялкаларнинг оддийсига нисбатан оғирроқ бўлганлиги сабабли бақувват тракторларга тиркаш лозимлиги айтилди. Кенгаш қатнашчилари шу бригаданинг пушта устига чигит экиш тажрибасини ўргандилар.

Йиғилишда таъкидланишича, вилоятда амалга оширилаётган ишлар чигитни қисқа фурсатларда экиш талабига жавоб бермайди. Ҳозиргача сув берилиши лозим бўлган 17 минг гектар ер бор. Лекин сувдан фойдаланиш Охунбобоев, Боғдод, Риштон, Қува туманларида қониқарсиз. Тошлоқ туманидаги Марозиқов, Охунбобоев туманидаги Маъдалиев, Қува туманидаги Улуғбек номли хўжаликларда обиҳаётдан керакли миқдорнинг 50 фоизидан фойдаланилмоқда. Чигитни тупроқ намига ундириб олиш учун ерни сувга тўйдириш лозим. Сувчилар сонини кўпайтириш, оби-ҳаётдан самарали фойдаланиш керак.

Баъзи хўжаликлар раҳбарлари ҳамон лоқайдлик, сусткашликни давом эттирмоқдалар. Учкўприк туманидаги Отажонов номли, Бувайда туманидаги «Шарқ юлдузи», Охунбобоев туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжаликларида таъмирлашдан чиқарилган сеялкаларнинг қатор техник нуқсонлари борлиги аниқланди. Вақт эса ўтиб боряпти.

Плёнка остига чигит экиш нозик ва эътибор талаб қиладиган жараён. Шунинг учун чигит экувчиларнинг тайёргарлигини бир карра синовдан ўтказиб, қайта-қайта машғулот ўтказиш зарур. Экиш технологияси бузилса, кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

Сўзга чиққан Тошлоқ тумани ҳокими С. Мирзаев дастлаб режалаштирилган 1200 гектар ўрнига 5 минг гектарга плёнка остига чигит экиш ташаббуси билан чиқди. Туманда пахта ҳосилдорлигини 45-50 центнерга кўтаришнинг ягона манбаи шу илғор технологияга амал қилишдан иборат экани таъкидланди.

Ўз тажрибаларини сўзлаб берган Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги раиси С. Пулатов, Фарғона туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги раиси А. Сатторовлар ҳосилдорликни оширишнинг асосий омили — бу эрта экишдир, дейишди.

Мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиб, чигит экишни ўн кун муддатда тугаллаш эртаги ва мўл ҳосил олиш гаровидир.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

**Ўтган йиллардан фарқли равишда бу йил республикамизда чигитни плёнка остига экиш кенг ёйилмоқда.**

**Мана, бир неча кундирки, пахта далаларида чигитни плёнка остига экиш ишлари давом этаётир. Бугунгача кўпгина бригадаларда ушбу юмуш ниҳоясига етди. Плёнка остига чигит экишда Наманган ва Сурхондарё вилоятлари пахтакорлари омилкорлик кўрсатишмоқда. Улар бир кунда ажратилган майдоннинг 4 ва 3,6 фоизига уруғлик жойлаштиришди. Шунингдек фарғоналик, сирдарёлик, тошкентлик миришкорлар ҳам кун сайин экиш суръатини оширишаяпти.**

**Иккинчи муҳим масала чигит экиш мосламаларидан унумли фойдаланишдир. қаерда сеялкадан яхши фойдаланилса, иш юришаверади. Шу ўринда сурхондарёлик ва наманганлик заршунослар ғайрати ҳамкасбларига ибратлидир. Улар бир кунда битта агрегат ёрдамида ўртача 2,9 ва 2,6 гектар ерга уруғлик солишди. Афсуски, Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида бу кўрсаткич 1-1,1 гектардан ошмаяпти. Орадаги фарқдан аёнлашадики, экин мосламасини моҳирона ишлатиш кўп нарсани ҳал этади.**

**Йигирма еттинчи март кунига олинган маълумотга кўра Сурхондарёда бир кунда 1365 гектар майдонга, Наманганда 884 гектарга уруғлик жойлаштирилди. Сурхондарёда битта экиш агрегати ҳисобига ўртача 3,6 гектар ер тўғри келди. Андижон ва Фарғона вилоятлари деҳқонлари ҳам кўклам юмушларини тобора авж олдиришаяпти.**

**Ҳа, ғанимат кунлар ўтаяпти. Эртаги ва мўл ҳосил етиштириш бугунги ғайрат-шижоатга боғлиқ. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларида мавсумни жадаллаштиш тадбирларини кўрмоқ жоиз. Чунки у жойларда режанинг ҳали ярим фоизи ҳам уддаланмаган. Кўкламнинг ҳар куни олтинга тенг. Ҳақиқий деҳқон унинг ҳар дақиқасининг қадрига етяпти.**

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.**

*ШУ СОНГА ХАБАРЛАР*

## ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

*● АНДИЖОН. Булоқбоши туманидаги Тоштемир Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги аъзолари биринчилардан бўлиб плёнка остига чигит экишни бошлаб юбордилар. Кузда сифатли қилиб шудгорлаб қўйилган ерга «Фарғона-3» навли тезпишар пахта уруғи қадалмоқда.*

*Ўтган хўжалик йилида 500 гектар ерга чигитни плёнка остига экиб, ҳар гектар ердан ўртача 40 центнердан «оқ олтин» етиштирдилар. Булоқбошиликлар бу йил яхши ният билан 1700 гектар ерга чигит экиш ниятида тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар.*

## ДЕНГИЗ ЎРНИДА ЯЙЛОВ

***● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси тизимидаги хўжаликлар айни кунларда Орол денгизининг қуриб қолган қисмига яъни «Оролқўл» саҳросига саксовул, қандим, черкез каби ўсимликларни экишни бошлаб юбордилар. Бу ўз навбатида янги яйловлар вужудга келишини таъминлайди.***

***Қораўзак, Тахтакўпир ва Чимбой ўрмон хўжаликлари жамоалари бевосита ана шу иш билан шуғулланишмоқда. Ишбилармон аҳил коллектив баҳор фаслининг ғанимат дамларидан унумли фойдаланиб, шу кунга қадар бир ярим минг гектар ерга саксовул уруғи сепди.***

## ТЎЛ ОЛИШ ҚИЗҒИН

*Яккабоғ туманидаги «Турон» жамоа ширкат хўжалигидаги Тўлқинжон Қурбонов бош бўлган отарда тўл олиш мавсуми қизғин давом этмоқда. Дастлабки натижалар ёмон эмас. Бу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик кўрилгани боис у яхши ўтмоқда.*

*— Чўпонлик менга ота мерос, — дейди Тўлқинжон Қурбонов. — Ҳозиргача совлиқларнинг 70 фоизи қўзилади. Бу йилги кўрсаткичлар ўтган йилдагидан кам бўлмайди. Бултур 460 бош қўйнинг ҳар юз бошидан 102 тадан қўзи олинган эди. Уларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди. Бу йил ҳам тўл олиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун бор имкониятлардан фойдаланилмоқда.*

**Х. ТЎРАЕВ.**

## ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

***Ёзёвон туманининг Навоий номли жамоа хўжалигида янги қурилган қишлоқ тиббий хизмат шохобчаси ишга туширилди. Эндиликда бу тиббий масканда меҳнаткашлар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилади ва даволанади.***

***Шунингдек, «Пахтабанк», туман солиқ инспекцияси бинолари фойдаланишга топширилди. Улар ҳозирги замон компьютерлари ва бошқа зарурий техника асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.***

***Туман марказида эса автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди. Бинокорлик ишларини «Фарғонадеҳқонқурилиш» компаниясининг 421-механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари амалга оширишмоқда.***

**М. РАҲИМОВ.**

# ШАРТНОМАДАН ҒАЛЛАКОР ҲАМ, ИШЧИ ҲАМ МАНФААТДОР

Фарғона дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳиссадорлик уюшмасида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, корхоналарда дебитор, кредитор қарзлар қандай ҳал этилаётганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тармоққа оид қарорлари қай тарзда ижро этилаётганлиги, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишдик.

Жамоада 12 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси донни қайта ишлашга ихтисослашган. 5 таси эса нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Мавжуд корхоналарнинг қуввати бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна ғаллани қайта ишлашга етади. Лекин аҳолининг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, кунига 700 тоннагача дон тегирмонлардан ўтказилмоқда.

Ўтган йили хўжаликлар билан тузилган шартнома асосида 196 минг тонна дон қабул қилинди. Етиштирилган ғаллага ўз вақтида ҳақ тўлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу борада эса ҳукумат қарорлари дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили январь ойида қабул қилинган «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хўжаликларда етиштирилаётган ғалла учун умумий харид нархларининг 40 фоизини илгаридан ҳисоб-китоб қилди. Шунингдек, ҳосилни ўриб олиш тугагунча маҳсулотга тўла ҳақ тўланди. Шунингдек, давлат режаси бўйича топширилган дон учун алоҳида, топшириқдан зиёди учун алоҳида эркин нархда ҳақ тўланганлиги боис ўрим мавсумида иш уюшқоқлик билан олиб борилди. Исрофгарчиликка йўл қўйиш бирмунча камайди.

Масалан, ўтган йили тузилган шартнома бўйича 40 фоизлик аванс тариқасида 236 миллион 473 минг сўм маблағ хўжаликларга олдиндан берилди. Йил давомида эса тўланган маблағ 824 миллион 217 минг сўмни ташкил қилди.

Айни пайтда республикамизнинг кўпгина вилоятларида тузилган шартномалар қайтадан кўриб чиқилмоқда. Боиси, уларда ҳар икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла ҳисобга олинмаган. Лекин вилоятда бу борада ишлар яхши. Дон етиштирувчи хўжаликлар, фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари сифатли, ҳар икки томон учун манфаатли қилиб тузилганлиги боис бу муҳим ҳужжатлар қайтадан кўриб чиқилмади. Мазкур шартномаларга асосан жорий йилда хўжаликлар ҳиссадорлик уюшмасига 215 минг тонна ғалла етиштириб беради.

Бу ерда ўтган йилги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан етиштирилаётган ғалла учун ҳозирдан 40 фоиз миқдорида аванс бериш бошланди. Шу кунгача кўзда тутилган маблағнинг деярли 50 фоизи миқдоридаги пул хўжаликларнинг ҳисоб рақамларига бориб тушди. Ҳисоб-китобларнинг маълум қисми уруғлик маҳсулот сифатида амалга оширилди.

— Юртимизда ғалла мустақиллигига эришишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан мамнунмиз, — дейди вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси Раҳматулла Аҳмедов. — Ғаллакорлар билан ниҳоятда яхши алоқа ўрнатилган. Уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турамиз. Ғаллакорларни рағбатлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Агар тузилган шартномадан ортиқча ғалла топширилса ёки доннинг сифати яхши бўлса, нарх юқори баҳода тўланади. Ўтган йили ана шундай тарзда бир неча хўжаликка пул берилди. Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу борада одамларнинг талабини ҳисобга олиб, маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга корхоналарда турли хил ширинликлар, лимонадлар, шарбатлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили «Винклер» фирмасининг 3 та кичик нон ёпиш корхонаси фойдаланишга топширилганлиги ишимизни бирмунча енгиллаштирди. Келгусида яна ана шундай 3 та корхона қуриш режалаштирилган.

Жамоа ҳиссадорлик жамиятига ўтгач, одамларда ишга муносабат тубдан ўзгарди. Жамоа аъзолари пировард натижадан манфаатдор эканлигини сезишди. Шу боис корхоналар мулкини одамлар худди ўзиники каби асраб-авайлашмоқда. Жамият аъзолари ҳар йили олинган соф даромаддан дивиденд олишмоқда. Ўтган йилги натижалар ҳам чакки бўлмади. Уюшма йилни

### Акциядор корхона тажрибасидан

231 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Унинг маълум қисми акционерларга дивиденд сифатида ажратилди.

Жамоада дебитор-кредитор қарзлар масаласида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ҳар ойда бир марта бўладиган йиғилишда ушбу масалалар муҳокама қилинади. Жорий йилнинг икки ойи мобайнида ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилди. Корхоналарнинг бир-биридан қарзларини бирмунча камайтиришга эришилди.

«Қўқон дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти уюшмада иқтисодий бақувват жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш борасида узилишларга йўл қўйилмаяпти. Хўжаликлар билан тузилган шартномалар ўз вақтида бажарилиши одат тусига айланган. Жорий йилда ҳам ушбу ҳужжатларни тузишга алоҳида эътибор берилди. Бунда ҳар икки томоннинг манфаатлари тўла ҳисобга олинди.

Жамоа Данғара, Ўзбекистон, Фурқат, Бешариқ туманларидаги хўжаликлардан ғалла қабул қилади. Корхона ўтган йили жамаси бўлиб 44731 тонна дон қабул қилиб олди. Шартномада кўрсатилгандан ташқари 1161 тонна сули, арпа, 2533 тонна буғдой қабул қилинди. Шартномада кўрсатилганидан ортиқча топширилган маҳсулот ва унинг сифатлилиги учун қўшимча ҳақ тўланди.

Жамоа икки йил муқаддам ҳиссадорлик жамиятига айланган эди. Ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, ишчиларнинг ўз акцияларига эга бўлиб, ундан даромад олаётганлиги боис бу ерда режалар мунтазам равишда уддаланиб келинмоқда. Акция эгаларига ажратилаётган маблағ ҳам ҳар йили ошиб бораяпти. Биргина ўтган йили бу кўрсаткич 13 миллион 700 минг сўмни ташкил қилди. Ўрта ҳисобда ҳар бир акционерга 18 минг 240 сўм пул берилди.

Айни пайтда жорий йилги ғалла учун хўжаликларга аванс бериш давом этаяпти. Маблағнинг бир қисми уруғлик, маҳсулот ва вексель билан ҳисоб-китоб қилинаяпти. Апрель ойининг охиригача ҳукумат қарорида кўзда тутилган аванс миқдорининг ҳаммаси бериб бўлинади. Қолган қисми эса ғалла ўрим-йиғими тамом бўлгунча берилади. Бунинг учун барча имконият мавжуд.

— Шу йил 27 январь куни Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалик масалалари атрофлича муҳокама қилинган йиғилишда Президентимиз қайта ишлаш корхоналари фаолиятини жиддий таҳлил қилиб, уларнинг олдига катта вазифаларни қўйди, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Валижон Абдураҳмонов. — Жамоамиз аъзолари мазкур анжуман ҳужжатлари билан батафсил танишиб чиқишди. Мақсадимиз ғаллакорлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, пешона тер эвазига етиштирилган донни қайта ишлаб, аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Айни пайтда корхона билан 37 та хўжалик шартнома тузган. Энг муҳими, уларнинг барчаси бизнинг акцияларимизни сотиб олган. Демак, корхонада пировард натижадан ишчилар ҳам, хўжаликнинг аъзолари ҳам манфаатдор. Хулоса қилиб айтганда, ғаллакор ҳам, ишчи ҳам бир жамоанинг аъзоси ҳисобланади. Шу боис барчамиз ишга астойдил киришганмиз.

Дарҳақиқат, ҳиссадорлик жамиятида вилоятда ғаллачиликни ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йил январь ойидан бошлаб «Ғалла-банк» вилоят бўлимининг филиали корхона ҳузурида фаолият кўрсата бошлади. Ҳиссадорлик жамиятида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили одамларга 1,5 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам пули берилди. 51,2 минг сўм озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам ёрдамдан четда қолишаётгани йўқ. Инсон манфаатлари йили, деб аталган жорий йилда одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бирига айланган.

Хуллас, вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳиссадорлик жамиятида барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, шу асосда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада узилишларга йўл қўйилмаяпти. Айниқса, уюшмада мулк шакли ўзгаргач, ижобий силжишлар рўй бераяпти. Корхоналарнинг иқтисодиёти ҳам мустаҳкамланаяпти.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.**



# ЯЙЛОВ ТЎЛСИН ҚЎЙ-ҚЎЗИГА



Эл-юртга меҳру муҳаббат, ота-онага, оилага, дўстларга, касб-корга садоқат, ор-номусинг, шаън-шавкатингни покиза сақлаш, ҳамиша одамларга эзгулик қилишга интилиш, ёруғ келажакка орзу-умид билан яшаш ва уни яқинлаштиришга бутун борлиғингни бахшида этиш... Таъбир жоиз бўлса, ана шу туйғуларни кўҳна, турфа рангларга бой ҳаётнинг устунлари дейиш мумкин. Улар киши қалбини ёритиб, доимо ёркин нур бағишлаб туради. Айни шу омиллар, инсон юрагидаги эзгулик уруғи уни ҳамиша яхшиликка ундайди. Шу туйғуларсиз одамзот умрини тўлақонли тасаввур этиб бўлмайди.

Бу ёруғ оламни, ҳаётни улкан бир иморатга қиёс этсак, уни мустаҳкам қилиб турган яна бир устун бор. У ота-онага, ҳарф ўргатган биринчи муаллимга, касб-ҳунар берган устозга, ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб, қийналганингда тўғри йўлга солган мураббийга садоқатда, авлод-аждодлар бошлаган улуғ ва эзгу ишларнинг узвий давомийлигида, ворисликка доимо содиқ қолишда намоён бўлади. Аслида ҳаётнинг чин маъноси, мантиғи қалбимизнинг туб-тубидан мустаҳкам ўрин олган ана шу муқаддас туйғуда мужассамдир. Зеро, бу ҳаётнинг фақат мустаҳкам устунигина эмас, балки асосий ўзагидир.

Баҳористон туманидаги «Ўзбекистон» наслли қоракўлчилик жамоа-ширкат хўжалигининг бепоён яйловларида бўлиб, чўпон-чўлиқлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг оталари, бувалари, устозлари амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳикояларини тинглаганимизда ворислик ва унга садоқат хусусидаги мушоҳадалар хаёлдан ўтди. Бу йирик хўжаликнинг Помуқ яйловларида қоракўл қўйлари боқилади. Ана шу кўз илғамас кенгликларда кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида қанчадан-қанча моҳир чўпонлар меҳнат қилишмади, дейсиз. Улар ота касбларини эъзозлашиб, хўжалик шуҳратини бутун дунёга ёйишди. Юқори навли жакет қоракўл терилар, «Помуқ», «Жейнов», «Ўзбекистон» деб аталувчи наслдор қўйлар халқаро кўргазмаларда кўплаб совринлар билан тақдирланган. Бугунги кунда яйловларда меҳнат қилаётган моҳир чорвадорлар ўзаро мулоқотларда ўз ота-оналари, устозлари, шу ишга азиз жонини ҳам фидо қилган инсонларнинг муборак номларини фахр билан тилга олишди. Улар Абди Сафоев, Нуркелди Жовмартов, Оғаниёз Жумақулов, Чори Бегматов, Василий Благотний, Жўра Муродов, Раҳим Дўстбобоев сингари фидойи кишиларнинг қутлуғ ишини кейинги авлод изчил давом эттирганлигини, ҳозирги ёшлар ҳам ворисликка содиқ қолаётганликларини турли тафсилотларга бой ҳикоялар билан сўзлаб беришди.

Дарҳақиқат, ота-боболар касбининг кейинги авлодга ўтишини, уларнинг хайрли ишлари давом эттирилаётганлигини хўжаликнинг ҳар бир фермасида, отарида кўриш мумкин. Мисол учун ҳозирги пайтда Рўзиқул Рустамов етакчилик қилаётган 1-фермани олайлик. Рўзиқулнинг ўзи Помуқда донг таратган чўпон, Меҳнат Қаҳрамони Нурмамат Рустамовнинг фарзанди. Нурмамат ака кўп йиллар бош чўпонлик қилган, кейинчалик хўжаликни бошқарганди. Ўғли ёшлигиданоқ чўпонликка меҳр қўйди, кейинчалик олий ўқув юртида ўқиб, чорвачилик бўйича мутахассис бўлди. Бир неча йиллардан бери фермага раҳбарлик қилаяпти. Аҳил жамоа 16 отарга бўлиб боқилаётган 7600 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан соғлом қўзи олиб, уларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдириш ниятида тўл олиш мавсумини муваффақиятли ўтказмоқда. Ҳозиргача совлиқларнинг ярмидан кўпидан насл олинди. Дуркун қўзилар боқишга қолдирилаяпти.

Устозлар ва уларнинг ворислари ҳақида гап очилганида бу жамоада Холли бобо Саидовнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. У ҳозирги пайтда бош чўпонлик қилаётган кўпгина чорвадорларнинг мураббийи ҳисобланади. Дурбой Жумақулов, Пармон Қосимов, Чори Рамазонов, Жума Арслонов сингари чўпонлар ўз устозларининг ўгитларига амал қилиб, кам бўлишмаяпти. Уларнинг ҳар бири алоҳида отарда меҳнат қилишиб, туёқ сонини кўпайтиришга муносиб улуш қўшишмоқда.

Қарийб қирқ йилдан бери ота касбини эъзозлаб, чўпонликнинг лаззатидан баҳраманд бўлиб, унинг машаққатларини бартараф этиб келаётган Чўлимурод Барноев бу йил хайрли ташаббус билан чиқди. У кейинги йилларда қоракўл қўйлар бош сони камайиб кетганлигини назарда тутган ҳолда ўз отаридаги 500 бош қўйини қишловдан яхши семизликда олиб чиқди ва ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиб, дуркун ҳамда соғломларининг юз фоизини ўстиришга қолдириш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Қўзилатишнинг бориши, ҳозиргача совлиқларнинг олтмиш фоизидан насл олинганлиги бу ният тўла амалга ошишидан далолат бериб турибди.

Халқимиза қўй келади қўзи билан, деган ажойиб ибора бор. Моҳир чўпонлар ёнига уларнинг фарзандлари қўшилиб, камарбаста бўлаётганликлари дилни қувонтиради. Ўзининг кўпгина ибратли ишлари билан шуҳрат қозонган, меҳнати қадрланган Тўймурод Нуровнинг фарзанди Ўлмас Нуров чўпон таёғини қўлга олиб, сулола анъаналарини давом эттирмоқда. Уларнинг отарида ҳам кўзни қамаштирувчи қоракўл қўзилар сони кундан-кунга кўпайиб, қуёшда қорайган чўпон чеҳрасига табассум бахш этаяпти.

Яйлов бойлигига бойлик қўшаётган бундай фидойи чўпонлар бошқа отарларда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Тимур Султонов, Соиб Авазов, Мавлон Расулов сингари бош чўпонлар етакчилигидаги отарларда тўл олиш энг қизғин паллага кирган. Ўттиз беш йилдан бери сурув кетидан кезиб, ўзига яраша обрў-эътибор қозонган Темур Султонов ҳамкасблари — Норқул Асадов, Шамси Авазбердиев, Қорли Ниёзов каби чўпон-чўлиқлар билан ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан соғлом қўзи олиш, унинг камида 80 фоизини ўстиришга қолдириш учун бутун билим ва тажрибаларини сафарбар этишаяпти.

— Яйловларимиз 143 минг гектардан зиёд майдонни ишғол этади, — дейди «Ўзбекистон» наслли қоракўлчилик жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ашурбой Хўжамов. — Ана шу кенгликларда 27 минг бошдан ортиқ қўй-эчки, шу жумладан 18 мингдан зиёд совлиқ, 90 бош туя боқилмоқда. Хўжалигимиз фақат Қашқадарё вилоятида эмас, балки Ўзбекистонда қоракўлчилик соҳасида кенг кўламда наслчилик, янги зотлар яратиш ишлари олиб бориладиган энг йирик масканлардан бири саналади. Помуқ қоракўли жаҳон бозорида узоқ йиллар давомида довруғ таратган. Кейинги йилларда қоракўлчиликка эътибор озгина сусайиб, маҳсулотларимизга бўлган талаб бирмунча пасайганди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан «Яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинганидан сўнг тармоққа эътибор яна яхшиланди. Ҳозирги пайтда наслчилик ишлари билан жиддий шуғулланилмоқда, қоракўл қўйларнинг наслини яхшилаш учун бошқа жойлардан зотдор қўчқорларни олиб келиш чоралари кўрилаяпти. Кейинги йилларда ҳамма ерда қўй-эчкилар бош сони камайиб кетганлиги ҳисобга олиниб, бутун диққат-эътибор туёқни кўпайтиришга қаратилмоқда. Бунинг учун моҳир чўпонлар орасида «Бир отардан икки отар яратиш» ҳаракати авж олдириб юборилди. Хўжалигимиз бўйича бу йил ҳар юз совлиқдан ўртача юздан соғлом насл олиб, уларнинг камида 80 фоизини ўстиришга қолдиришни кўзлаганмиз. Ферма ва отарлардан олинаётган хушхабарлар бу ниятимиз рўёбга чиқишини кўрсатиб турибди.

...Кўз илғамас Помуқ яйловларида чўпонларнинг «қурҳе-қурҳе»си сурув-сурув қўй-қўзиларнинг бир жойдан бошқа ерга ўтаётганлигидан дарак беради. Қуёшда товланиб, ажиб бир гўзаллик касб этувчи қоракўл қўзичоқлар дилни яйратади. «Қўй-қўзига тўлсин, яйловинг!», дегинг келади.

**С. САЙДАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

* * *

**СУРАТЛАРДА: 1. Энг муҳим бойликларимиздан бирининг манбаи яйловларимиз тўл олиш мавсумида ана шундай шукуҳли. 2. Таниқли қоракўлчи Тўймурод Нуров ва сулола давомчиси Ўлмас Нуров. Улар ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиб, саксон фоизини ўстиришга қолдириш ниятида масъулиятли мавсумни муваффақиятли ўтказишмоқда.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ОҚҚЎРҒОН ПИШЛОҒИ

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» давлат хўжалигида сутни қайта ишлаш кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўн хил турдан зиёд сут маҳсулотлари дарҳол харидор эътирофига сазовор бўлди. «Оққўрғон» ёрлиғи битилган ушбу маҳсулотлар тезда оммавийлашганининг сири шундаки, уларнинг сифати жаҳон андозаларига тўла мос келади.

Оққўрғондаги Ўзбекистон-Исроил-Америка қўшма корхонаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликда эришилган катта ютуқлардан биридир. Корхона Исроилнинг «Пладот» фирмаси технологияси билан жиҳозланган бўлиб, ўз хусусиятларига кўра, МДҲ давлатлари ичида ягона ҳисобланади.

Заводни асосан «Оққўрғон» давлат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган «Абдулла» ва «Хонтемир» хусусий фермер хўжаликлари сут билан таъминламоқда.

Тажриба тариқасида синаб кўрилган мазкур тадбир бугун ўзини тўла оқлади. Айни пайтда Оққўрғондаги яна ўнта жамоа хўжалигида ана шундай қўшма корхона очиш лойиҳаси борасида иш олиб борилмоқда.

# ИШБИЛАРМОНЛИК ХОСИЯТИ

Қирғизистоннинг шундоққина биқинида, Андижон — Ўш йўли бўйида жойлашган Тураобод қишлоғида «Иброҳим ота» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси тикув цехининг янги биноси қурила бошлади. Янги цех ишга тушиши билан бу ерда ишлайдиган кишилар сони икки баравар кўпаяди.

«Иброҳим ота» савдо-ишлаб чиқариш фирмасини Илҳомжон Йўлдошев ташкил этган. Фирмада йигирмага яқин чевар ишлайдиган тикувчилик цехи, тегирмон, сартарошхона, машина устахонаси, пойабзал устахонаси, замонавий маиший техникани таъмирлайдиган устахона, учта магазин ишлаб турибди. Фирма фаолияти туфайли ишбилармон кишилар маблағи ҳисобига қишлоқда савдо маркази ташкил этилди, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# САБАБЛАР, САБОҚЛАР

Баҳор келиши билан деҳқончилик ишлари қизиб кетди. Ҳар киши яхши ният билан дарахт экиб, полиз, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Сирдарё деҳқонлари учун ҳам бу йилги мавсум ўзгача бошланмоқда. Айниқса, ям-яшил бўлиб кўкариб чиққан ғаллазорларни кўриб, кўз қувонади. Деҳқонлар бу йил ғалладан мўл ҳосил бўлишидан умидвор. Ҳақиқатан ҳам бу йилги ғалла ҳосили мўл бўлишининг биринчи навбатдаги кафолати, ерга сифатли ва керакли миқдорда уруғни тушганидир. 1996 йилги аччиқ ҳақиқатдан хулоса чиқарилди.

Ўтган йили вилоят бўйича 156 минг тонна ғалла етиштирилди, холос. Хўш, бундай қолоқликка нималар сабаб бўлди? Ғалла ҳосилдорлиги режасининг бажарилмаслиги сабабларидан бири, ерга уруғ тўлиқ тушмаганлигидир. Уруғидан уриб қолганнинг хирмонидан барака кетиши табиий. Жумладан, Ш. Рашидов туманидаги «Пахтаобод» ширкатлар уюшмасининг дон маҳсулотлари сақлаш омбори мудири С. Бўрибоев 157 гектар ерга экилиши лозим бўлган 24090 килограмм уруғлик дондан 6.840 килограммини уриб қолган. У жами 10.880 килограмм уруғлик донни талон-тарож қилган. Эл-юрт насибасига чанг солгани учун омбор мудири жиноий жавобгарликка тортилди. Қилмишига яраша жазосини олди. Шу ширкатлар уюшмасининг 9-бригадаси бошлиғи У. Уролов эса 30 гектар ерга экилиши керак бўлган 40.080 килограмм уруғлик донни ўзлаштириб юборган. Ховос туманидаги Ховособод ширкатлар уюшмасининг бригада бошлиғи Р. Умарқулов эса кузда экиш учун ўз моддий жавобгарлигига қабул қилиб олган уруғлик буғдойдан 500 килограммини ўзлаштирган. Бу ҳолатлар юзасидан ҳам айбдорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, улар жиноий жавобгарликка тортилганлар. Қадимгилар уруғликни оч-наҳор қолганларида ҳам ишлатмаганлар, эртани ўйлаганлар. Айрим нафсибузуқлар эса бугун ўтсин, эрта бир гап бўлар қабилида иш тутиб диёнатсизлик қилмоқдалар.

Айрим хўжалик раҳбарлари эса ғалла майдонларини чорва моллари пайҳон қилишидан сақлашга етарли эътибор беришмаётир. Баъзи жойларда ғаллазорларга қоровуллар номигагина тайинланиб, уларнинг иши назорат қилинмаган. 1996 йилда вилоят бўйича 155 гектар экин майдони чорва моллари томонидан пайҳон қилинган. Тасаввур қилинг, қанча ғалла хирмон кўрмай нобуд бўлди. Масалан, Гулистон туманидаги «Бешбулоқ» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро А. Жўраевнинг 58 бош чорва моллари 36 гектар ғалла майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка жиддий зарар етказган. Ушбу ҳолат бўйича Гулистон тумани прокурори томонидан фуқаро А. Жўраевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 198-моддаси 3-қисми билан жиноий иши қўзғатилиб, айбдор суд ҳукми билан жазоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги

### Фармон ижроси фарз

Фармонининг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида 6 та жиноят иши қўзғатилди. 41 нафар шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилган. Экинларни пайҳон қилиниши туфайли етказилган 68.124 сўмлик моддий зарар прокурорларнинг 14 та даъво аризалари билан ундирилган. Айрим хўжаликларнинг бошқарув идоралари раҳбарлари томонидан қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилинишининг олдини олиш чораларини кўрмаганликлари ҳақида 10 та тақдимнома ва 6 та ахборотномалар киритилди.

Ғалла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича йиллик режаларнинг бажарилмасдан қолишининг яна бир сабаби, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш мавсумида ташиш ва сақлаш ишларини ташкил этишда нуқсонларга йўл қўйилганлиги, ғалланинг талон-тарож қилиниши каби ҳолатларнинг содир этилганлигидир. Энг ачинарлиси, кўпчилик мулкига жавобгар бўлганларнинг ўзлари қинғир ишга қўл уриб ғаллани талон-тарож этганлар. Жумладан, Ш. Рашидов туманидаги Ш. Рашидов номли ширкатлар уюшмаси 9-бригадаси бошлиғи Расул Мўминов 10.600 килограмм буғдойни ўзлаштириш мақсадида яшириб қўйган вақтида фош этилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Деҳқончиликда барака бўлишининг яна бир гарови ердан тўғри фойдаланишдир. «Ер тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қишлоқ хўжалик ходимлари томонидан ердан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланяпти. Кўпгина хўжалик раҳбарлари пахта ва ғалла экилиши мўлжалланган ерлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланганлар. Жумладан, Гулистон туманидаги «Тараққиёт» деҳқон хўжалиги раиси С. Маханбоев пахта етиштириб давлатга сотиш тўғрисида контрактация шартномаси тузган ва статистика идораларига 20 гектар ерга пахта экилди, деб ҳисобот берган бўлсада, умуман пахта экмаган ва шартнома мажбуриятларини бажармаган. Ҳақиқатда эса ўз шахсий манфаатлари учун ўша ерга полиз ва сабзавот экинлари эккан. Мазкур ҳолат бўйича Э. Маханбоев жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, хусусийлаштирилган чорва фермалари ихтиёрига меъёридан ортиқча бериб юборилган 2751 гектар экин майдонлари аниқланди. Ерни боқсанг, элни боқар, деб бежиз айтишмаган. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган айрим ташкилотларга қарашли бўлган ёрдамчи хўжаликлар ихтиёрида 1655 гектар ер майдони фойдаланилмасдан қаровсиз ҳолда қолган.

Хўжаликларда мавжуд техника воситаларини сақлаш, тежамли ва мақсадли фойдаланиш издан чиққанлиги сабабли ҳам ерни ҳайдаш, шўр ювиш каби кузги агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилмаганлиги боис ерларнинг унумдорлиги пасайиб кетяпти.

Экин майдонларидан фойдаланишда йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатлари олдини олиш чоралари кўриляпти. Вилоят ҳокимининг қарори билан ортиқча аниқланган ерлар ўз эгаларига қайтариб берилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг ривожи юрт равнақи ва келажаги билан боғлиқ. Ундан барча манфаатдор. Прокуратура ходимлари ҳам тармоқдаги вазифаларни бажаришда деҳқон билан доимо елкадошдирлар. Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари бекаму-кўст бажарилган тақдирдагина ислоҳотларимиз муваффақиятлари кўпаяди. Шу боис ҳар жабҳада қонун устуворлигини таъминлаш талаб этилади.

**Фахри РАҲИМОВ,**
**вилоят прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**
**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

